



**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга**

### **Техник шарт**

Сизнинг 2021 йил 30 декабрдаги 575-сонли хатингизга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32 сонли Фармонига асосан Фарғона тумани Янги аср МФЙ ҳудудида 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” намунавий лойихалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойларни ичимлик сув тизимларини қуриш ишларини лойихалаш ишлари “Қишлоқ қурилиш лойиха” МЧЖ томонидан ичимлик сув тизимларини бажарилишини инобатга олиб, 20 мингта аҳолини ичимлик ва оқава сув тизимлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### **Ичимлик суви бўйича**

Фарғона тумани Янги аср МФЙ ҳудудида 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” намунавий лойихалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойларни кунлик 5000 м<sup>3</sup> ичимлик суви билан таъминлаш учун **1-улаиш нуктаси:** “Эко шаҳар” учун қурилиши режалаштирилган ичимлик сув иншоатидан 1.3 км Д-315 ммли ичимлик сув тармоғи тортиш ва мавжуд ичимлик сув иншоатига улаш ишларини ШНҚ, ҚМК, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ичимлик сув қувури лойиха асосида замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши шарт.

### **Оқава сув бўйича:**

Фарғона тумани Янги аср МФЙ ҳудудида 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” намунавий лойихалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойларни марказлашган оқава сув тизимига улаиш нуктаси: **Фарғона шаҳар Ўрмончилар МФЙ ҳудудидан Янги аср МФЙ ҳудудигача** мавжуд 6,7 км Д-1000 мм ли оқава сув коллекторини ювиш ҳамда мавжуд яроқсиз холга келган сув оқава сув қудуқлари (колодец) ва қопқоқларини алмаштириш ишларини ШНҚ, ҚМК, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Оқава сув тармоқларини қуриш ва монтаж қилиш даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин. Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-

бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014йил 15июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Бош муҳандиси:



И.Абдуллаев